



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ НАВРЎ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҢТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиликлар билан бўлиш Наврўз айёмини "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!" деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмақда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолангизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изхор этишдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

"Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг сеvimли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?", деган савол берилиши табиийдир.

дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўламазорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланиб кетган қадриятлар – бир-бирига меҳроқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табарруқ кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, кўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай гараз, гиналар ва низолардан воз кечиш, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамохандир.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қўлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табарруқ кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга – менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изхор этаман.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, қут-барак ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилимизни – бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўсомса каби баҳорий неъматлар тортилган

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қўлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдириман.

"Обод турмуш" деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Сумалак — Наврўз таоми. Фотоэтиюд.

### КЎКЛАМ НАВОСИ

- Муз либосин минг кияр, — Қиш барибир мунг кияр.
- Бўз аврасин ағдариб, Ер гул тўнин ўнг кияр.
- Нукра хол, ой безакли Кўйлагини тун кияр.
- Мис гардиш, олтин кўзли Зангори тож — кун кияр.
- Ҳамалойим бир бахмал, Бир зар мурсак — тенг кияр.
- Оқ қалпоғин ечиб тоғ, Кўк қалпоғин сўнг кияр.
- Сой — очик ёқа яхтак, Савсан, бика — санг кияр.
- Қўлларига дарактлар Пушти, яшил энг кияр.

- Ошиқ қушлар навоси Мастона оҳанг кияр.
- Ой қизлар чаман-чаман, Чаманда чаман кияр.
- Қош — ўсмаю, кўз — сурма, Лаб олуча ранг кияр.
- Деҳқон қалби — даладай... Ниятларин кенг кияр.
- Саъдуланин сўзи ҳам Рубобий жаранг кияр!

Саъдулла ҲАКИМ

## ОБОДЛИК ВА БУЊЁДКОРЛИК БАЙРАМИ

Баҳор ҳавосидан қалбларга тароват, илиқлик югурган айни кунларда юртимизда Наврўз байрами кенг нишонланмоқда. Қуни-кеча пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналарини катта шод-хуррамлик билан томоша қилдик. Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган Наврўз сайларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналаримиз, турфа

маросимлар қайта тикланиб, янгича тус олаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, Наврўз истиқлол йилларида халқимиз ҳаётдан мустаҳкам жой олди. Наврўз ва миллий қадриятларимизнинг бугунги маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида таниқли фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаев қуйидагиларни гапириб берди:

## АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгашининг 2012 йилги ишлари таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али бошқарди.

(таржимон С.Комилова), "Возвращения Альпамыша", "Сад писателя" (таржимон Р.Азимова) тўпламлари рус тилида нашр этилди. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Одил Ёкубовнинг "Улуғбек хазинаси", Пиримкул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романлари инглиз тилига таржима қилиниб нашр этилди. Уткир Хошимовнинг "Дунёнинг ишлари" романи эса хитой тилига таржима қилинди. Корейс тилида "Ўзбек ҳикоялари антологияси", немис тилида "XX аср ўзбек шеърини антологияси" тайёрланди.

Кенгаш томонидан ўтган йили таржима асарлари қўлёзмалари мунтазам равишда муҳокама этилди. Чет тилларига ихтисослашган олий ўқув юрталари билан ҳамкорликда бадий таржима муаммоларига бағишланган анжуманлар ўтказилди. Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ёш таржимонлар тўғараги фаолият юритмоқда. Дўрмон ижод уйида ёш таржимонлар семинарлари бўлиб ўтди.

Абдулла Қаҳҳорнинг "Анор" ҳикоялар тўплами (таржимон О.Остонов), "Ўзбек халқ эртаклари" (таржимон З.Акрамхонов) немис тилига, Ўзбек адаблари ҳикоялари "Река моей души" номи билан

Йиғилишда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети профессори Носир Қамбаров ва "Жаҳон адабиёти" журнали ходими Амир Файзулло бадий таржима соҳасида 2012 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Тадбирда шоир-ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари, ёш ижодкорлар иштирок этди. Наврўз

### БАҲОР МУШОИРАСИ

мушоирасида атоқли ижодкорлар Муҳаммад Али, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Аҳмадjon Мелибоев, Ҳайдар Муҳаммад, Ҳалима Аҳмедова, Вафо Файзулло, Зебо Мирзаева, Холмуҳаммад Ҳасан ва бошқа ижодкорлар йилбоши ҳақидаги ўз дил сўзларини изхор этиб, Ватан, баҳор ва муҳаббат мавзудаги шеърларини ўқидилар.

Устозлар бошлаб берган мушоирани "Онажоним — шеърят" ёш ижодкорлар тўғараги ёшларнинг давом эттирдилар.

— Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Истиқлолимиз арафасида, ҳали собиқ иттифоқ ҳукмирон бўлган бир пайтда давлатимиз раҳбари маънавий ҳаётимизда туб бурилиш ясаган муҳим тарихий ҳужжатга имзо чекди. Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги Фармони асосида 21 март — юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича,

Наврўз байрамининг тарихи тўрт-тўрт ярим 4,5 минг йилга тенг. Х аср тарихчиси Абу Бакр Наршахий "Бухоро тарихи" китобида келтирилган мисоллар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Наврўз асосан баҳорий тенг кунлик — 21-22 мартдан бошлаб нишонланган ва бир ҳафта, ўн кун, ҳатто баъзи жойларда бир ойгача давом этган. Наврўз деҳқон, чўпон, ҳунарманд, қўйинги, ҳаммамизнинг ҳақиқий байрамимиз. Лекин шуни ҳам таъ-

кидлаш керакки, турли даврларда Наврўз байрамига у ё бу даражада ноҳақ таъйиқлар ҳам бўлиб келган. Собиқ иттифоқ даврида Наврўзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилганди. Ҳатто, Наврўз байрами ўтадиган март ойининг учинчи яқшанбасида хотира кунини нишонлаш қонунлаштирилганди. Бу эса собиқ мафкуранинг Наврўз байрамини йўқотишга бўлган қаттиқ ҳаракатлари эди.

Давоми иккинчи саҳифада.

### БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида шу йилнинг 25 март, душанба кунини соат 11.00 да Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгашининг 2012 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши доирасида адабий анжуман ўтказилади.

Тадбирга шоир, ёзувчилар, адабиётшунослар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида шу йил 26 март, сешанба кунини соат 11.00 да Наср кенгашининг 2012 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши доирасида адабий анжуман ўтказилади.

Тадбирга ёзувчи шоирлар, адабиётшунослар, таржимонлар ҳамда барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Давоми иккинчи саҳифада.

Даврон РАҲАБ







“МАҚОМИ ИШҚ БАЛАНДИР”

Асрлар оша яшаб келаётган миллий музика санъатимиз гултожи бўлиши мақом ижрочилиги истиқлол йилларида янада қадр топиб ўзгача сурур билан жарангаётгани сир эмас...



“Дилхирож” каби куйларимизга рақс тушолмайди? Шунанга пайтларда, нахотки, миллий куй-кўшиқларимиз урфдан чиқиб қоляпти, деган кўркүв хаёлимга келади.

Учрашув

— Наврўз айёми Санъат ва маданият институтида “Мақоми ишқ баландир” деб номланган иякхон концерт дастурингиз билан кутиб олибсиз.

— Томошабинлар концертимизни самимий қарши олганидан ўзимиз ҳам кувондик. Дастурга Улмас Расулов бадий раҳбарлик қилди, номини ҳам ўзи қўйди.

Жонли ижрога келсак, бугун бу замон талаби, томошабин талаби. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Тerra Grup” компанияси ва консерватория ҳамкорлигида ўтказилаётган “Марди майдон” жонли ижродаги кўшиқлар фестивали бўлиб, далили...

Дастлабки янги кўшиқларим Наврўз ҳақида бўлди. Абдуҳошим Исмаилов мусикаси, Собир Абдулла шеъри билан “Фасли Наврўз”, Баҳрулла Лутфуллаев мусикаси, Иқбол Мирзо шеъри билан “Уйғонсан” номли кўшиқларим мухлисларга манзур бўлади.

Наврўзи олам кунлари сўхбатлашаётганимиздан фойдаланиб, барча юртдошларимни, ҳамкасбларимни, газета муштарийларини, мухлисларини яшарш, янгилаштириб айёми билан табриклаймиз.

Гулчехра УМАРОВА, Баҳодир МАЪДИЕВ

— Гулзодахон, айтинг-чи, мақом ашуларини айтиш учун хонандага фақат кучли овознинг ўзи кифоя қиладики ёки бунинг бошқа сирсиноатлари ҳам борми?

— Ҳали мақом нима, ашула ёки кўшиқ нима — уларнинг фарқини билмаган вақтларимда радио ва телевидениеда берилган лирик кўшиқларни берилиб тинглардим.

Мақтабни тугатиб Бухоро санъат билим юртида ўқиб юрган давримда биринчи устозим таниқли ҳофиз Раҳматулла Иноятнинг ўғитлари, миллий мумтоз санъатимизни эъзозлаши...

— Хозир кўп ёшлар ўзларини эстрадага уришяпти. Гўёки, уларнинг аксарияти тезда танилиш, шуҳрат қозониш учун ҳам бу жанрни танлаётгандек.

— Тўғри, кўча-кўйда юрганда одамлар эстрада хонандаларини дарҳол танишади, дастхат сўрашади, айниқса, ёшлар ҳавас билан қарашади.

Санъаткоримиз, халқ орасида, тадбирларда кўп бўлаемиз. Шундай пайтларда туркча, арабча кўшиқларини сўраб қолишади. Нима учун ўзбекча эмас?

БИРГА ЧИЗАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, “Гунча” журналы таҳририяти ҳамкорлигида имконияти чекланган болалар учун “Бирга чизамиз” деб номланган маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Муҳофаза вазириликка қарашли ўрта таълим мактаби ўқувчилари куй-кўшиқлар билан барчага хуш қайфият улашди.

Таабур

Шоҳиста ОРТИҚОВА

“ТЕНГКҮНЛИК”

Тасвирий санъат галереясида расмом Петр Анненковнинг “Наврўз” байрамга бағишланган “Тенгкүнлик” кўрғазмасы очилди.

Мусаввир рангтаъсир, графика, китоб безаги, мультипликация, полиграфия дизайнида самарали ижод қилади.

Кўрғазма залларида

Хилола АБДУРАҲМОНОВА

Қайси санъат турида бўлмасин муқамал даражада она оразини яратиш ҳамиша долзарб масалалардан бўлган. Бу, шубҳасиз, кино санъатига ҳам тегишли.

Юртимиз кино ижодкорлари суратга олаётган деярли барча филмларда ўзига хос оналар образини учратиш мумкин. Бу, айниқса, ҳусусий филмларимиз мисолида яққол кўзга ташланади.

ОНА СИЙМОСИ МУҚАДДАС

сада, унинг филм мобайнидаги хатти-ҳаракатлари томошабинларда фақат салбий муносабат уйғотади.

«Анджонлик мехмон» филмидан лавҳа.



отиб, атрофдаги кишиларга таъсир ўтказган. Бу жиҳат онанинг таваллуд айёми ўтганидан сўнг намоён бўла бошлайди.

Бурхон Шаропов режиссерлигида суратга олинган “Танго ёхуд адашқан совечлар” филмидаги Саида Рамаева ижро этган она роли юқоридаги фикрларга мисол бўла олади.

Ушбу фестивалда катнашишни ниёт қилиб қўйдим. Келгусида консерваториянинг катта залида ҳам яққол концерт дастуримни намойиш этишни режалаштирдик.

Тўғри, Саида Рамаева ижросидаги она образида буртириб кўрсатилган салбий жиҳатларнинг айримлари кундалик турмушда учраши мумкин.

Она образини яратишдаги “ўзига хос” талқин “Анджонлик мехмон” (режиссёр Жаҳонгир Позилзонов) филмида ҳам яққол кўринади.

она талқинида андиша пардалари бироз четга сурилган. Хусусан, эри билан бўлган наваддаги жанжалларнинг бирида кечирим сўраш ўрнига бейбаглигини рўқач қилади.

Юртимиз кино ижодкорлари суратга олаётган деярли барча филмларда ўзига хос оналар образини учратиш мумкин. Бу, айниқса, ҳусусий филмларимиз мисолида яққол кўзга ташланади.

ҳаёси хусусида кўнисида берган “таълими” ҳам ибратомуз. Яъни, у одобли қизнинг қувв тўғрисида оғиз очмаслиги, куйиб кул бўлса ҳамки, бировларга сир бой бермаслигини эҳтиром билан ўқтиради.

Талқин ва таҳлил

киришни маъқул топади. Аммо, ҳисобни бироқ нотўғри олгани туғайли, эшик оstonасида тикилиб қолади.

Шу ўринда “Сен етим эмассан” филмидаги Фотима она ролини ижро этган актриса Лутфихоним Саримсоқова маҳоратини ҳам эслаб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз.

Дашхатли уруш йиллари ўн тўрт фарзанди бағрига олиб, уларга бирдек меҳрибонлик қўрсатган бу она чинакам қаҳрамон. Фарзандлари турли миллат болалари бўлса-да, ўз жигаргўшасидек суйиб ардоқлайди.

Унинг қанчаллик бағрикенглиги ногирон ўғлини урушдан олиб қайтган немис боласига бўлган муносабатида яна бир қарра ўз тасдиғини топган.

Оналар қиёфаси табиий ва самимий ифодалангани “Суянчи” филмидаги Анзират буви мисолида ҳам ўз тасдиғини топди.

Оналар сиймосининг бу каби унутилмас талқинларини давом эттиришда айниқса, маҳоратли ижодкорлар меҳнати билан юзга келаётган филмларимиздаги оналар образи қувонарлидир.

Режиссёр Ҳотам Файзиевнинг “Ёзси ёил” филмидаги Бугул эна образи ана шундай фидокор оналар сиймосини кўрсатиб бера олган.

Филмларимизда яратилаётган бу каби оналар образи нафақат ижодий жамоа, балки кино санъатимизнинг ҳам катта ютуғидир.

Филмларимизда яратилаётган бу каби оналар образи нафақат ижодий жамоа, балки кино санъатимизнинг ҳам катта ютуғидир.

Азиз МАТЌУБОВ

Бу тун оdatдагидан бошқачарок бўлди. Чигиртка чийилламас, курбақа "сайрама", шамоллар ҳам қаёққадир гойиб бўлганди...

ёстиқлар айтсин. Эрнинг қанча йилгагини мана, тили бўлса, китоблар айтсин...

НИХОЛ

Ҳа, улар бахтли яшашди. Игна билан қудуқ қазиб илм топди. Обру, мартаба, бойлик топди...

— Бўлди, кетаман, — деди хотин. Эр индамади. Дилидагини сезиб тургандек вақт ҳам имилларди.

— Бўпти. Мен розиман. Фақат бироз сабр қил.

— Сабр? Ийгирма йил сабрга суяниб яшадик-ку?

— Яна уч ой яшайлик... Кейин ажрашамиз. Фақат уч ой яшайлик.

Хотин кўрқди. Ахир усиз қандай яшайди. Аммо кимдир биринчи қадамни босиши керак...

Эрталаб эр-хотин бозордан икки дона кўчат олиб келишди. Эр ўзича, хотин ўзича ниятлар қилиб боғ этагига экишди.

— Агар уч ой ичида кўкармаса... Бу гапни иккиси ҳам тилида айтмади.

Ҳаббатнинг яқинини истаётган уч ой ҳам етиб келди. Дунё шундай яралган. Кутганинг келмайди...

Қатра

бир тун олдин эрнинг уйқуси қочди. Утмишини ўйлади. Фақат кўрсиниш. Келажагини ўйлади...

Хотини кўлида челақ икки ниҳолга сув куйар, лаблари тинимсиз пичирлар, бунга сари кўзидан ёш сизиб чиқарди.

Ийқ, муҳими бу эмас. Муҳими улар ниҳолни ёзда экишганди...

Санжар ТУРСУНОВ

Кундаликнинг ҳасрати

Таништирай ўзини, Кундалиқман кундалиқ Бир билмасвой дастидан, Хорман бугун бунчалик.

Аҳволимга бир қаранг, Тўлиб кетдим «икки»га. Зўра чидаб юрилман. Дашномлару даққима.

Ҳар кун ота-онаси, Хумрайишбоқ боқинлар. «Икки»ни мен олгандай. Пўстагини қоқинлар.

Нима қилсам экан-эй, Тўйиб кетдим ҳаётдан. Бу билмасбой кўлига Тўшиб қолдим қаёқдан.

Ялпиз

Акам билан иккимиз, Ялпиз тердик даладан. Ўша кун билларга, Меҳмон келди қалъадан.

Ойим сомса пиширди, Ҳам қилдилар чўчвара. — Вой қанчалик мазали! — Деди меҳмон Севара.

Акам билан иккимиз, Роса қувониб кетдик. Ахир, азиз меҳмоннинг Раҳматини эшитдик.

Ўзим ўқайман

СўЗ БЕРДИМ

Тароқ олдим дўқондан — Соҳларимни тарай, — деб. Совун олдим ювуниб, — Сал ўзимга қарай, — деб.

Уйга келдим, ювунидим, Соҳларимни таралдим. — Ўзимни бир кўрай, — деб Ойнамизга қаралдим.

Биноидек эканман, Арзугулик кўришга. Сўз бердим сўнг ўзимга Доим тоза юришга.

Зўр бўлди

Янги уйга кўчдик биз, Эскисиз ҳам узокмас. Кетган билан бувимнинг Меҳри мендан йироқмас.

Энди ишлар зўр бўлди. Гоҳ бўлса, гоҳ уздаман. Қайси уйда мазали, Овқат пишса шундаман.

Зина

Хизматимдан мамнунман, Керек эмас кўп тариф. Кимларни мен қўймадим Юксакларга кўтариб.

Кўзи ИСМОИЛ

Қувватижон сумалақ

Халқимизнинг ҳар бир байрами, тую томошаси ўзига хос ўтади. Ва ҳар бир тантана, маросимларнинг бир-бирини тақорламайдиган удувлари, анъаналари бор.

Ана шундай анъаналардан бири Наврўз айёмида сумалақ пиширишдир. Наврўзани

Анъаналар, уаумлар

сумалақсиз, сумалақни эса Наврўзсиз тасаввур этиб бўлмайди. Наврўз пайдо бўлибдики, унинг тенгдоши сифатида сумалақ таоми ҳам тайёрлана бошлаган.

Барчамиз сумалаққа ёғ солиб пиширилишини жуда яхши биламиз. Аммо Бундан ўн йиллар олдин Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи Абдураҳим Умаров хонадонидида ёғ солмай сумалақ тайёрлаганига гувоҳ бўлганман.

Халқимиз топиб айтганидек: Фасли баҳор — сумалақ, Асли баҳор — сумалақ, Тапга шифо — сумалақ, Қувватижон — сумалақ.

Инсон умрининг энг гўзал онлари бу — бегубор болалик давларидир. Болаликнинг шўх-шодон кунлари ёш улғайган сари бир-бир хотирада тикланиб ўша давларнинг яна бир қайтишини ким ҳам орзу қилмайди дейсиз.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати институтининг Тиллар ва адабиёт кафедраси доценти Ҳамдамжон Исмоиловга ўғли

ИБРОҲИМЖОНнинг

вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Фақат ёғсиз сумалаққа ирими учунгина 30-40 грамм ёғ солинади. Кейин биринчи шарбат қозонга қўйилади ва устидан ўн солинад.



нашидан, жигарранг тус олиб, муаттар хид таратишидан билса бўлади. Қизиғи шундаки, бундай сумалақ етилтириш учун димланмайди. Демак, вақтдан ҳам юталади.

Билол АМИНОВ, элшунос

“БАЛАНД УЧГАН ТУРНАЛАР”

Инсон умрининг энг гўзал онлари бу — бегубор болалик давларидир. Болаликнинг шўх-шодон кунлари ёш улғайган сари бир-бир хотирада тикланиб ўша давларнинг яна бир қайтишини ким ҳам орзу қилмайди дейсиз.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган Абдусаттор Хотамовнинг «Баланд учган турналар» китобидан жой олган ҳикоялар болалиқнинг бегубор орзулари, Ватанини севиш, ардоқлаш, меҳнатсеварлик, аждодларимиз анъана ва удувларига садоқат каби эзгу мавзулар ифодаланган ҳикояларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уюшма аъзоси Сотим Авазга онаси

РАҲИМА аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Доимий ҳамроҳ

ЪЭЛОН Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади!

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.

ЎЗМА КўНАРАНИ ЧИҚАДИ. СўТУВА НАРҲИ ЭРИКДИ. ISSN 2181-614X